Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 49 (7439). ● 10 март, 1981 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

◆ МОСКВАЛИКЛАР ДАЪВАТИ: 18 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА ЧИҚАЙЛИК! (2-бет).

◆ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ В. МУСАЕВА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ. (2-бет).

◆ ПРОПАГАНДИСТ ВА СИЁСИЙ ЎҚУВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН. (2-бет).

◆ ОБЛАСТЬ КОРХОНАЛАРИДА КОЛЛЕКТИВ ШАРТНОМАЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА? (3-бет).

◆ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ВА СТАДИОНЛАРИДА БИР КУН (4-бет).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АВАНГАРДИ

КПСС XXVI съездида гапирилган коммунистик қурилишдаги жозибадор ютуқларни, тинчлик учун курашдаги муваффақиятларни совет халқи жонажон партия билан чамбарчас боғлиқ деб билмоқда. Ленин партияни давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб атаган эди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—қудратли, соғлом, етук коллектив эканини йигирма олтинчи съезд яна бир карра кўрсатди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқида.—Коммунистлар — ҳақиқатан ҳам жамиятимизнинг букилмас ўзаги, унинг жон-танидир. Коммунистлар—халқнинг чинакам революцион авангардидир».

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида партиянинг ҳозирги босқичдаги ривожи батафсил таҳлил этилди, етук социализм даврида партиянинг жамият ҳаётидаги роли ортиши тўғрисидаги хулоса тасдиқланди. Коммунистлар партияси жамиятимиз ривожланган сайин ўсиб, мустаҳкамланиб, камол топмоқда. Ҳисобот даврида КПСС сафига 1,8 миллион киши қўшилганлиги съездда уқтириб ўтилди. Ҳозир партияда 17 миллион 480 минг коммунист бор. Совет халқининг энг яхши, илғор вакиллари партия сафларига қўшилмоқдалар. Ўтган беш йил мобайнида партия сафига бир ярим миллиондан кўпроқ ишчи кирди, бу партияга янги кирганларнинг 59 процентини ташкил этади. Уларнинг 10 процентдан кўпроғи колхозчилардир. Партияга совет зиёлиларининг кириши давом этди. Шу йиллар давомида КПСС сафига кирганларнинг қарийб тўртдан уч қисми Ленин комсомолининг аъзоларидир.

Партияга киришни хоҳловчилар тобора кўпаймоқда. Бу — мутлақо тушунарли ва табиий бир ҳолдир. Аммо КПСС ўз сафларини ўстиришни жадаллаштираётгани йўқ, янги аъзоларни қабул қилишга талабчанлик билан ёндашмоқда. Янги кирган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий сифатларини ўрганиш учун кандидатлик стажидан яхшироқ фойдаланилмоқда, ҳар бир партия аъзосига нисбатан талабчанлик оширилмоқда. Съезд шуни яна таъкидлади: ўзини ножўя тутадиган, КПСС Уставини ва партия ахлоқи нормаларини бузадиган кишиларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиб келинди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қола беради. Партиямизнинг шон-шарафи ва обрўси тўғрисида, партия сафларининг поклиги ҳақида гап борганида ҳеч қандай юз-хотирликка йўл қўйилмайди.

Съездда партия раҳбарлигининг услуби ва методларини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Бу — бутун партия учун, бутун халқ учун муҳим масаладир. Ленинча нормалар ва талабларга кун сайин, муттасил риоя қилиш ҳар бир партия комитетининг бевосита бурчидир.

Партия республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг роли ҳамда масъулиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Ҳисобот даврида уларнинг ишида бирталай қимматли, ибратли янгиликлар пайдо бўлди. Шу билан бирга съездда фойдаланилмаётган катта имкониятлар ҳам очиб ташланди. Зўр ғайрат ва билимдонлик билан қилинадиган партиявий раҳбарлик иш натижаларини яхшилашда ва камчиликларни тугатишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Масала шундай тарзда қўйилди: агар ҳар бир партия ташкилоти ўз соҳасидаги ҳамма резервлардан фойдаланса, ҳар соҳада намунали тартиб ўрнатса, бутун мамлакатнинг иши ҳам тобора илгарилаб бораверади.

Бунда партиянинг асосий бўғинлари бўлмиш бошланғич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Ҳозир КПССда 414 мингта бошланғич ташкилот бор. Уларга маъмурият фаолияти ёки аппаратнинг иши устидан контроллик қилиш ҳуқуқи берилган, коммунистлар эса ана шу ҳуқуқлардан тўлиқроқ ва яхшироқ фойдаланишлари муҳимдир. Бунда гап кадрлар масаласи тўғрисида борадими, хўжалик планларининг бажарилиши ҳақида ёки одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида борадими — барибир партия ташкилотлари кўпроқ принципиаллик кўрсатишлари, партия йўлини қатъият билан ўтказишлари керак.

Одамларни танлаш ва ижрони текшириш—партия раҳбарлигининг моҳиятидир. Кейинги йилларда раҳбар кадрларнинг сифат составини ва уларни жой-жойига қўйишни янада яхшилаш, малакасини ошириш соҳасида кўп иш қилинди. Халқ хўжалиги мутахассислари партия ишига активроқ кўтарилди. Шу билан бирга бу ўртоқларнинг сиёсий билимини ошириш, зарур кўникма ва тажрибани ўрганишда уларга ёрдам бериш керак. Кадрларнинг пухта резервини вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан контролликни ҳам кучайтириш лозим. Раҳбарликнинг санъати бўлар-бўлмасга директив кўрсатмалар тўқиб, тарқата беришдан иборат эмас. Қарор қабул қилингандан сўнг унинг албатта белгиланган муддатда бажарилишига эришиш зарур. Мунтазам ва оператив равишда, айни бир вақтда юқоридан ва қуйидан қилинадиган контроллик ҳам мана шунга ёрдам бериши керак.

Съезд ички партия турмушини ҳар томонлама такомиллаштириш зарурлигини уқтирди. Аввало коммунистларнинг активлигини ва уларнинг ўз иши учун, партияда ва мамлакатда қилинаётган ҳамма ишлар учун масъулиятини ошириш назарда тутилади. Партиямиз турмушининг қатъий нормаси бўлмиш демократик централизм асосида марказ билан жойларнинг, партия раҳбар органлари билан партиявий омманинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш керак. Кенг миқёсда йўлга қўйилган ички партия ахбороти бунга кўмаклашади. Меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари омма билан жонли алоқа воситаси каби жуда катта аҳамиятга эгадир. Партия танқид ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантиришга, барча партия ташкилотларида камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳини қарор топтиришга ҳам чақирмоқда.

Идеология, сиёсий-тарбия иши соҳасида масъул вазифалар турибди. Ҳозирги турмушнинг кўпгина янги ҳодисалари ва хусусиятларини лозим даражада ҳисобга олиш, пропагандамизнинг жуда катта имкониятларидан тўла тўкис фойдаланиш лозим. Аслини олганда гап идеология фаолиятининг кўпгина соҳаларини қайта қуриш тўғрисида бормоқда. Бу ишнинг мазмуни янада актуал бўлиб қолишига, формалари эса ҳозирги талаб ва эҳтиёжларга мувофиқ ҳолга келтирилишига эришиш кераклиги съездда уқтириб ўтилди.

Совет кишилари келажакка комил ишонч билан назар ташламоқдалар, чунки Ленин партиясидек заковатли, синалган йўлбошчи мамлакатга раҳбарлик қилмоқда. Метиндек жипслашган, зафарбахш марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган, бутун халқ билан узилмас ришталар орқали бирлашган партиямиз ўзининг юксак вазифасини муносиб равишда бажармоқда. Халқимиз жонажон партияга ишонади, у кўрсатиб бераётган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканини билади.

(«ПРАВДА» газетасининг 9 мартдаги бош мақоласи).

ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ТАЙЁРМИЗ!

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ЎЗБЕКИСТОНГА СУРУНКАСИГА САККИЗИНЧИ МАРТА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топшириш пайти.

В. Молгачев фотоси.

Ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йили Ўзбекистон солномасида зарбдор меҳнат йили, ленинчасига ишлаш йили бўлиб қолади. Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун завқ-шавқ билан мусобақалашиб, партия режаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ҳамда тавсияларини ижодий равишда амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги катта зафарларга эришдилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари, 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик иқтисодий ҳамда социал ривожланиш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР яна — сурункасига саккизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

7 март куни Тошкентда республикага кўчма Қизил байроқни топширишга бағишланиб, республика партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол активларининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари иштирокида тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланган бутун совет халқи мамлакат коммунистларининг анжумани белгилаб берган улуғвор бунёдкорлик программасини бажаришга киришган бир пайтда республикага Ватаннинг юксак мукофоти топширилганлиги ғоят шонли воқеа бўлди. Ленин ишининг атоқли давомчиси, халқнинг қизғин меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган ленинча доно Ҳисобот доклади, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари барча меҳнаткашларни равшан, бунёдкорлик истиқболи билан, партия ишининг тантанасига зўр ишонч туйғуси билан қуроллантиради, омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада қудратли равишда жўш урдиради.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Йиғилиш аҳли ҳозирги замоннинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг раиси А. И. Шибаевга сўз берилади. У КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг топширигига биноан йиғилишда ҳозир бўлган кишиларга ва улар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига самимий салом ва энг эзгу тилаклар билдирди, уларни меҳнатдаги ғалаба ва муносиб юксак мукофот билан сидқидилдан муборак этди.

Мамлакатнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ривожланишда эришган катта муваффақиятлари, зўр ғайрат билан қилинаётган кундалик меҳнат, XXVI съезд ўртага қўйган вазифаларни амалий равишда ҳал этиш учун пухта замин яратиб қўйганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб таъкидлади у.

Совет Ўзбекистонининг қаҳрамонона меҳнат зафарларида комил ишонч, социал ва сиёсий умидворлик туйғуси зўр куч билан мужассамлашган. Жонажон партиянинг режаларини рўёбга чиқараётган совет кишилари экономика ва маданиятни ривожлантиришда нақадар ажойиб чўққиларга кўтарилишларини бу ерда, сизларнинг қадимий ва абадий навқирон серқуёш диёрингизда яққол кўриш мумкин.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладида Ўрта Осиё республикаларида рўй берган улкан социал-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида зўр ифтихор билан бундай деди: «Октябрдан аввал фақат тинкани қуритадиган қўл меҳнатинигина билган деҳқон яшаган жойдаги ҳар 100 гектар экинзор ҳозир Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса кўп машина-механизм билан таъминланган».

Ўнинчи беш йиллик йиллари мамлакатдаги барча иттифоқдош республикалар каби Ўзбекистон учун ҳам ҳар томонлама тараққий этиш, меҳнаткашлар фаровонлигини муттасил юксалтириш йиллари бўлди.

Республика беш йиллик планнинг асосий социал иқтисодий вазифаларини муваффақиятли бажарди, энергетика, машинасозлик, рангли металлургия, химия, газ қазиб олиш ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантиришда катта натижаларга эришди.

КПССнинг ҳозирги замон аграр сиёсати амалга оширилиши республика қишлоқ хўжалигини янги, янада юқори поғонага кўтариш, бутун аграр-саноат комплексининг муттасил ривожланиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Азиз ўртоқлар, партия XXV съездига берган ваъдангизни шараф билан бажарганингиз учун сизларнинг шаънингизга умумхалқ номидан раҳмат айтилди. Ватанимиз пахтачилиги тарихида биринчи марта республика олти миллион тонналик марradan ўзиб кетди. Ҳаммаси бўлиб ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистон колхоз ва совхозлари Ватанга 28,5 миллион тонна—тўққизинчи беш йилликка нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта топширдилар.

Учта Ленин ордени, Октябрь революцияси ва Халқлар дўстлиги орденлари билан тақдирланган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тенг ҳуқуқли республикалар туркумида ёруғ юлдуз бўлиб порлаб турибди.

Республикангиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари, 1980 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планини ва ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бу юксак мукофот республикага қаторасига саккиз йилдан бери берилмоқда. Бунинг маъноси шуки, партияга берган ваъдага доимо вафо қилиш сизларнинг яхши одатингиз бўлиб қолган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети номидан сизларни ва сизлар орқали Ўзбекистондаги барча саноат, қурилиш, транспорт ходимларини, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, фан ва маданият арбобларини, ўқувчилар ва студентларни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларни меҳнатдаги ғалаба билан ва меҳнатингизга берилган муносиб юксак баҳо билан қизғин ва астойдил табриклашга ижозат бергайсизлар.

Бугун, умумхалқ байрами арафасида хотин-қизларга алоҳида самимият ва зўр ҳурмат туйғуси билан сидқидилдан ташаккур айтмоқчиман. Социалистик Ватанимиздаги барча республикаларнинг хотин-қизлари каби Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам халқимизнинг ифтихори ва шон-шуҳратидир. Улар оилада, дам олишда, ишда—ҳамма жойда қувонч ва эзгулик, латофат ва олий ҳимматлилик кўрсатмоқдалар. Шу мавритдан фойдаланиб, хотин-қизларни байрам —Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин ва самимий табриклашга ҳамда уларга сиҳат-саломатлик, эсон-омонлик, бахт-иқбол ва тинчлик тилашга ижозат бергайсизлар!

А. И. Шибаев гулдурос давомли қарсаклар остида республикага КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширади. У Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мусобақанинг юксак мавқеини, унинг собитқадамлилиги ва ватанпарварлик шижоатини янада мустаҳкамлашни, партия ташкилотлари раҳбарлигида иқтисодий ва социал ривожланишда, партия XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда янги ғалабаларга эришишларини тилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ватаннинг юксак мукофотини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон кўчма Қизил байроқ билан мукофотланганлиги учун, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, ёшларнинг фидокорона меҳнатига берилган юксак баҳо учун, республика меҳнаткашларига қутловлар ва эзгу тилаклар билдирилганлиги учун республиканинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, ВЦСПС ва комсомол Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан ташаккур ва самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Биз меҳнат шавкатининг рамзи бўлган Қизил байроқни шонли пайтда қабул қилиб олаяпмиз. Бундан тўрт кун муқаддам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини тамомлади. Бу съезд дунёда биринчи ғолиб социализм мамлакати коммунистларининг чинакам тарихий анжумани бўлди. Унинг ишига совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният зўр эътибор билан қараб турдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган ажойиб, ленинча доно Ҳисобот докладида, партия анжуманининг бошқа материаллари ва ҳужжатларида партия билан халқнинг ўнинчи беш йилликдаги улуғвор зафарлари яққол намоён бўлди, саксонинчи йиллардаги коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор истиқболлари очиб берилди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам жонажон партия съездининг қарорларини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда кутиб олдилар. Улар йиғилиш ва митингларда партиянинг, КПСС Марказий Комитетининг, Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар, партияга меҳр-муҳаббат ва ишонч изҳор этмоқдалар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг одамлар бахт-саодати, тинчлик ва коммунизм идеалларининг тантанаси йўлидаги толмас меҳнати учун унга ситқидилдан миннатдорчилик ва ташаккур билдирмоқдалар.

Леонид Ильич Брежневнинг съезд мўътабар минбарида туриб, Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари шаънига айтган самимий ва эзгу сўзлари республиканинг ҳар бир меҳнатчиси дилида яшаб турибди. Биз бу сўзларни жонажон партиянинг янада яхшироқ, самаралироқ ишлаш, коммунизм учун умумхалқ курашига қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш тўғрисидаги жанговар нақази деб қабул қиламиз.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика меҳнатда эришган муваффақиятлар муносабати билан йўллаган самимий табрикномалари, республикамизнинг Ленин ордени билан мукофотланиши, Бугун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилиши ҳар бир ишчи, колхозчи, зиёлининг янада яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилиш иштиёқини кучайтиради.

Ҳозир барча корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда аниқ ва бир маромда ишлашни ташкил этиш, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш айниқса, муҳимдир. Партиямиз тарихий XXVI съезди йили —1981 йил зарбдор иш йили бўлиб қолсин, республика экономикаси ва маданиятининг ҳамма тармоқларида янги катта зафарлар йили бўлсин.

Умуман республика экономикаси ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки ойларини яхши суръат билан бошлади. Биз Ленинча анъанага содиқмиз, шунинг учун ҳам эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслигимиз керак. Ҳар бир кишининг янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга кўпроқ ҳисса қўшиши учун тобора янги-янги резервлар ва имкониятларни доимо қидириб топиб ва уларни ишга солиш лозим.

Олға томон қилаётган ҳаракатимизда қизил байроқли коллективларнинг Ватан мукофотларига сазовор бўлган ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасидан ҳамма жойда фойдаланиш жуда муҳимдир. Энг яхшиларнинг тажрибасини ўн минглаб кишилар такрорлаган тақдирдагина бу тажриба умумхалқ мулки бўлиб қолади.

Биз ҳаммамиз 1981 йилга белгиланган мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат билан кўп ишлашимиз керак бўлади. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8 — 9 процент кўпайтириш, пландан ташқари 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 70 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан эришиш керак.

Бинокорлар, транспорт ва алоқа, фан ва маданият, савдо ва маиший хизмат ходимлари катта миқёсдаги ишларни бажаришлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида алоҳида масъулиятли вазифалар турибди. Қанот қоқиб келган баҳор республика пахтакорлари, ғаллакорлари, сабзавоткорлари, пиллачилари, чорвадорлари нақадар зўр марраларни эгаллашлари лозимлигини яна бир марта эслатиб турибди. Табиатнинг ҳар қандай инжиқликларига қарамай, мана шу марралар забт этилиши керак. Баҳорнинг ҳар бир кунидан бўлғуси ҳосил учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини кўпроқ етиштириш учун имкони борича фойдаланиш лозим. Бу эса озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш имконини беради.

Ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчига содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватаннинг юксак мукофотига жавобан бундан буён ҳам ленинчасига, коммунистчасига ишлайверадилар, ўн биринчи беш йиллик режалари, КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, деб тантанали йиғилишимиз номидан, республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари номидан партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга ваъда беришга ижозат этгайсизлар.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригадири А. Рўзматова Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватаннинг мукофотига янги зафарлар билан жавоб бериш, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун резерв ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш иштиёқида эканликларини уқтириб ўтдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов қатнашдилар.

(ЎзТАГ)

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЯҚИНДА Чиноз район қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи ўтди. Унда ўтган йилги иш натижаларига якун ясалди, бу йилги режалар белгилаб олинди. Қурултойда доклад қилган район Совети ижроия комитетининг раиси М. Абдукаримов ўнинчи беш йиллик якунловчи йилида қишлоқ хўжалик барча соҳалари янада ривожлантирилганлигини таъкидлади. Биринчи марта ҳар гектар майдондан 38,6 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Умуман, беш йилликда планга қўшимча равишда давлатга 17,7 минг тонна пахта, 14,4 минг тонна дон, 1820 тоннадан кўпроқ гўшт, 3555 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар сотилди. Охунбобоев номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, «Партия XXIV съезди» совхози қишлоқ хўжалик ходимлари қувонарли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Т. Эрназаров, «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Э. Очилов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг пиллачиси М. Мамажонова ва бошқалар бу ютуқларни мустаҳкамлаш, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида барча имкониятларни ишга солиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақида гапирдилар.

Чинозликларни эришилган муваффақиятлар билан мусобақадошлари — Қозоғистон ССР Жетисой район Совети ижроия комитетининг раиси О. Емишев, Келес район «Сельхозхимия» бирлашмасининг бошқарувчиси А. Исаков, Бекобод район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи У. Исабоевлар қизғин табрикладилар.

Район қишлоқ хўжалик ходимлари бу йил 35 минг тонна пахта етиштириш, белгилаган тадбирлари асосида чорвачиликни жадал суръатларда ривожлантириш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

(ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИНИ, КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ПАРТИЯ ЎҚУВИ, ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЎРГАНИШГА ДОИР)

КПСС XXVI съезди партия ва совет халқи ҳаётида, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати ҳаётида жуда катта сиёсий воқеадир. Съезд коммунистик қурилишнинг, янги кишини тарбиялашнинг илҳомбахш истиқболларини белгилаб берди, партия билан халқ бузилмас бирлигининг ёқин намойиши бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади — ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжати, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган катта ҳиссадир.

Коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг Л. И. Брежнев докладини, КПСС XXVI съезди ҳужжатларини чуқур ўрганишларини ташкил этиш, съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш — партия комитетларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Сиёсий мактабларда ва марксизм-ленинизм асослари мактабларида, иқтисодий таълим системасида шу йил март-июнь ойлари мобайнида саккиз — ўн машғулот, назарий ва методик семинарларда, партия, ҳўжалик активи мактабларида, марксизм-ленинизм университетларида қуйидаги мавзуларда тўрт-беш машғулот ўтказиш тавсия этилади:

КПССнинг халқаро сиёсати.

Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати.

Совет жамиятининг социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиши ҳамда партиянинг вазифалари.

Партия — совет халқининг авангарди.

Пропагандистларнинг семинарларини ҳамма жойда 20 мартгача ўтказиш зарур.

Бу семинарларда съезд делегатларининг, партия, совет ва ҳўжалик ходимларининг, олимлар ва мутахассисларнинг лекция ва суҳбатлар билан чиқишларини уюштириш керак. Партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари пропагандистлар ва тингловчилар учун лекция ва консультацияллар ташкил қилишлари, методик қўлланмалар тайёрлашлари, ўнинчи беш йиллиқнинг якунларини ҳамда СССР, республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район, жонажон корхона, совхоз ёки колхозни иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқболларини кўрсатиб берувчи китоб ва фото кўргазмаларни уюштиришлари лозим.

Л. И. Брежневнинг чуқур мазмунли докладини, съезд қоларини, ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг вазифаларини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишлари мазмунини ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг онгига етказиш — пропагандистлар, лекторлар, докладчилар, барча партия ходимлари ва активларнинг фахрли бурчидир. Съезд ҳужжатларини партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолияти ҳамда вазифалари билан маҳкам боғлаган ҳолда пухта ўйлаб ва жиддий, қоят муҳим шартларидан биридир.

Пропагандистларга ва тингловчиларга қуйидаги адабиётлар тавсия этилади:

Л. И. БРЕЖНЕВ. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисобот доклади ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари.

Л. И. БРЕЖНЕВ. КПСС XXVI съезди ёпилиши вақтида сўзланган нутқ.

Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан КПСС XXVI съезднинг **Резолюцияси.**

Янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш ҳақида КПСС XXVI съезднинг **қарори.**

Н. А. ТИХОНОВ. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари. КПСС XXVI съезднга доклад.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси юзасидан КПСС XXVI съезднинг **қарори.**

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган **асосий йўналишлари.**

Пропагандистлар учун методик маслаҳатлар марказий ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Янгийўлдаги 2-босмахона коллективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариб, ўтган йилнинг ўзида 6,6 миллион нусхадаги турли адабиётларни чоп этди.

Айни пайтда корхонада иш янада қизғин. Босмахона коллективи КПСС XXVI съезди материалларини китоб шаклида босиб чиқаришга киришди. Бу ишда смена топшириқларини зиёдаси билан бажариб келаётган матбаачи С. Жўрабоев бошқаларга намуна бўлмоқда. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори коммунист Саидвали Жўрабоев китобларни босмадан чиқариш жараёнини кузатяпти.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

БУЮК БИРЛИК УЧУН

Улуғ Ленин тарбиялаб воягa етказган Коммунистик партиямизнинг монолит бирлиги ҳақида гап бораркан, бенхтиёр нуқтадон шоиримиз Миртемир домланинг жарангдор сатрлари ёдга келади:

Сени улуғлайман,
монолит партия!
Еруғ шу кунимиз,
порлоқ эртамиз,
Тоғни кўтаролган пўлат
елкамиз...
Сени улуғлайман!..

Метиндек мустаҳкам бирлик . давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони бўлолган ленинчи Коммунистик партиямизнинг буюк фазилатидир.

Куни кеча ўз ишини тугаллаган КПССнинг XXVI съезди тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги кўзи ўнгида ленинчи Коммунистик партия — монолит партия эканлигини, унинг юксак даражадаги жанговарлик қобилиятини, партия билан совет халқининг метиндек мустаҳкам бирлигини яна бир бор яққол намойиш этди.

Съезд партия Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ленинча йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади ва барча партия ташкилотларига ўз ишларида ички ва ташқи сиёсат соҳасида ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилишни таклиф этди.

Бу бирдамлик ва якдиллик съезд минбаридан туриб гапирган ишчилар ва колхозчилар, мутахассислар ва олимлар, ҳўжалик ва партия раҳбарларининг нутқларида, дунёдаги 109 мамлакатдан съезднимизга меҳмон бўлиб келган делегацияларнинг вакилларининг табрик нутқларида ёркин намойиш бўлди.

Бу бирдамлик миллионмиллион коммунистларнинг ва совет кишиларининг съезд кунларида бутун мамлакатимиз миқёсида бўлиб тўтган митинг ва йиғилишларида, меҳнат рапортлари, телеграмма ва хатларида яққол сезилиб турди...

«В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ **партияда бирлик бўлгандагина, партия монолит бўлгандагина, у идеологик жиҳатдан мустаҳкам бўлгандагина, унинг сафларида темир интизом бўлгандагина...** — ана шундай зарурий ва ҳал қилувчи шартларга амал қилингандагина партия мамлакатни идора қилиши, социалистик қурилишда миллионларча оммага раҳбарлик қилиши мумкин, деб таълим берган эди.

1921 йил бошларига келиб, интервентлар ва оқгвардиячилар совет тупроғидан ҳайдаб чиқарилгач, Коммунистик партия ва совет халқи олдида халқ хўжалигини тиклаш ва социализм сари бориш йўлларини белгилаб олиш вазифаси кўндаланг бўлди. Бироқ, шу кезларда партия сафларида пайдо бўлган фракция ва группаларни тугатмай туриб, мамлакатдаги сиёсий кризисга хотима бермай туриб, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, социализмни муваффақият билан қуриш, империалистларнинг янгидан-янги ҳуружларини даф этиш аримаҳол эди. Ана шу масалаларнинг ҳаммасини партиянинг X съезди ҳал қилди.

Съезд арафасида Бухарин ва Троцкийлар партияни касаба союзлари ҳақидаги мунозарага тортдилар. Бу ҳатти-ҳаракатлар билан улар мамлакат учун қоят таҳликали бир даврда партияни бош йўлдан тойдирмоқчи, Совет ҳокимиятининг пайини қирқмоқчи, Совет давлатини ҳалокат жари ёқасига суймоқчи эдилар. Аммо, улар шармандан-шармисор бўлдилар. Марказий Комитетнинг Ленин бошчилигидаги кўпчилик аъзолари касаба союзларни партия билан оммани боғлаб турадиган муҳим бир восита, деб таърифладилар.

(РКП (б) X СЪЕЗДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)

В. И. Ленин ишчилар синфининг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба союзларига жуда юксак баҳо берди: «Давлат ташкилоти эмас, мажбур қилиш ташкилоти эмас, балки тарбия берадиган ташкилот..., у мактаб, идора қилиш мактаби, ҳўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактабидир», деб таъкидлади.

РКП(б)нинг X съезди 1921 йил 8—16 марта бўлиб ўтди. Съезд делегатлари қарийб 740 минг кишилик коммунистлар армияси номидан вакил бўлиб келгандилар. В. И. Ленин съездни очди, сўнгра Марказий Комитетнинг сиёсий фаолияти тўғрисида, развёрсткани натура солиғи билан алмаштириш ҳақида, партия бирлиги ва анархо-синдикалистик оғмачилик тўғрисида докладлар қилди, шу масалалар юзасидан якунловчи нутқлар сўзлади.

Съезд Ленин доклади юзасидан озиқ-овқат развёрсткасини натура солиғи билан алмаштириш тўғрисида, «ҳарбий коммунизм»дан янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Пролетариат диктатурасининг олий принципи — ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқидир, деб таъкидлаган Ленин деҳқонларни социализм қурилишига жалб қилиш учун озиқ-овқат солиғи жорий этишни кўзда тутувчи янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш зарур, деб таъкидлади.

«Янги иқтисодий сиёсатнинг моҳияти,— деган эди Владимир Ильич,— пролетариат билан деҳқонларнинг иттифоқидир». Зеро бу иттифоқ, доҳий сўзлари билан айтганда, Советлар республикасининг негизини ташкил этадиган ва Совет давлатининг енгилмаслигини таъминлайдиган мўъжизакор куч эди. «...Совет ҳокимиятининг бутун куч-қудрати ва таянчи — мана шу иттифоқда,— деб уқтирганди Владимир Ильич бошқа бир ўринда,— социалистик қайта қурилишлар нишини капитал устидан ғалабамизни, ҳар қандай эксплуатациядан батамом ҳоли бўлишимизни узил-кесил таъминлайдиган бирдан-бир омил — ана шу иттифоқдадир».

РКП(б) X съезди партия бирлиги тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор берди. Ленин съездни партиядаги фракциячилик ва группабозликка узил-кесил хотима беришга чақирди. Ирода, ҳаракат, қарашлар бирлиги, темир интизом — марксистик партиянинг яшаш қонунидир, бу қонун ҳеч қандай фракциячиликка ва партия интизомининг бузилишига йўл қўймайди, деб таъкидлади. Съезд партия бирлиги тўғрисида Ленин таклиф этган резолюцияни қабул қилди. Унда Марказий Комитетга партия интизомини бузган ва фракциячиликка йўл қўйган Марказий Комитет аъзоларига партиядан чиқаришгача барча партиявий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи берилганди.

X съезднинг партия бирлиги тўғрисидаги қарорлари партия турмуши ва партия қурилишининг бузилмас ва муқаддас принципларига айланиб қолди. Бу қарорлар миллий оғмачиликка, партия бош йўлидан тойишларга ва турли хил либосдаги антипартиявий группаларга қарши курашда жанговар қурол бўлиб хизмат қилди.

РКП(б) X съезднинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шундаки, у Совет мамлакати учун қоят мураккаб бир шароитда капитализмдан социализмга ўтиш йўлларини белгилаб берди, социалистик қурилишнинг муваффақияти учун пролетариат ва деҳқонлар иттифоқи ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлади, партия бирлигини кўз қорачиғидай сақлаш ва фракциячиликка қарши аёвсиз кураш олиб бориш тўғрисида директива берди, партиянинг партиялсиз омма билан жуда яқинидан алоқа боғлаш муҳимлигини уқтирди ва «Омма оразда ишлайлик!»— деган шиорни майдонга ташлади.

Партия X съезднинг қарорлари ва хулосалари бугунги кунда социализм йўлидан шаҳдам одимлаётган ва турли жабҳаларда социалистик жамият пойдеворини бунёд этаётган, ўнлаб ривожланаётган давлатлар учун дастуриламал бўлмоқда.

В. АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

ЛЕНИНЧА ШОНЛИ АНЪАНАГА САДОҚАТ

МОСКВА ИЛГОР КОРХО НАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ 18 АПРЕЛЬ КУНИ ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИНИ БОШЛАДИЛАР

Коммунистик шанбаликлар совет кишиларининг ажойиб анъанаси бўлиб колди. В. И. Ленининг сўзларича, бундай шанбаликлар «шунинг учун ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эгадирки, улар бизга ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда, янги меҳнат интизомига ўтишда ҳўжалик ва ҳаётнинг социалистик шароитларини яратишда онгли ва ихтиёрий ташаббускорлик қилаётганликларини кўрсатмоқда».

Буюк почин ҳозир ҳам миллионларни ўзига эргаштирмоқда. Партия XXVI съезднинг қарорларидан илҳомланган, унинг тарихий решаларини амалга оширишга азми қарор берган совет кишилари беш йиллик бошланишини меҳнат зафарлари билан нишонламоқдалар. Социалистик мусобақа муттасил кенгайиб гобора самарали, таъсирчан бўлиб қолмоқда.

Москвадаги илгор корхоналарнинг коллективлари ана шу мусобақа пешқадамлари жумласидандир. Улар В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишлаб 18 апрель куни Коммунистик шанбалик ўтказишдан иборат ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

Шанбалик ячки резервларнинг кўриги бўлади. Коммунистлар анжуманининг қарорлари ана шу янги резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга йўлламоқда.

Москва — Сортировочная локомотив депоси — Буюк почин бошланган жойдир. Бу ерда 6 март куни митинг бўлиб ўтди. Электровоз машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезднинг делегати В. Соколов бундай деди:

— Депо коллективи биринчи Коммунистик шанбалик эстафетасини авлоддан-авлодга топшириб келмоқда. 18 апрелда бутун кун бўйи тежаб қолинган электр энергияси ва ёнилғи ҳисобидан меҳнат қилишни, беш йиллик фондига мингдаб сўм маблағ ўтказишни таклиф этаман.

Митингда сўзга чиққан кишилар 18 апрель куни 7 та локомотивни, 2 та юк кранини ремонт қилиш, 170 та юк поезди ва 70 та пассажир поездини манзилга етказиш мажбуриятини олдилар. Шанбалик куни Ильичнинг юрти — Ульяновскга эстафета поезди жўнатилади.

В. И. Ленин туғилган куни меҳнатда энг юксак ютуқлар билан нишонлаш — Владимир Ильич номли электромеханика заводи коллективининг анъанасидир. Корхона коллективининг митинги Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси бир неча марта нутқ сўзлаган цех ўрнида барпо этилган корпусда ўтказилди.

Илгор ходимлар ўртоқларини 18 апрель куни смена топшириқларини камида бир ярим баравар ошириб бажаришга даъват этдилар.

Лихачев номли завод автомобилсозлари шанбалик кунига юксак марраларни белгилади.

Зарбдор вахтага завод конвейерларидан 600 та автомобиль, кўп миқдорда запас қисмлар тайёр бўлиб тушади.

Анъанага содиқ бўлган автомобилсозлар истеъмол моллари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар. Улар буни совет кишилари фаровонлигини янада оширишга катта эътибор берган партия XXVI съезднинг қарорларига амалий жавоб деб биладилар.

3-уйсозлик комбинатининг конвейери жадал суръат билан ишлайди. Корхона коллективи оддий кунлари 35 та квартирани монтаж қилади. 18 апрелда эса 38 та квартира қуришга қарор берилди.

Тўрт мингдан кўпроқ уйсоз ишчи шанбаликка чиқади — уларнинг кўпчилиги иш жойларида меҳнат қиладилар. 29 минг сўмдан кўпроқ иш ҳакини беш йиллик фондига ўтказиш. 65,3 минг сўмлик фойда олиш мўлжалланмоқда.

Ф. Э. Дзержинский номли «Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари турдош корхоналарининг мусобақасини янада такомиллаштириш тўқимачиларнинг муҳим резерви эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Корхонада йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлар юксак суръат билан олиб борилмоқда.

Пойтахтнинг бошқа корхоналарида ҳам митинглар бўлиб ўтди.

(ТАСС мухбири).

МЕНИНГ ЯНГИ МАЖБУРИЯТИМ

ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК партиямиз XXVI съездидан олган олам-олам таассуротларим ҳақида ҳаяжонланмай гапира олмайман. Кремлнинг муҳташам Съездлар саройида ўтириб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қоят чуқур мазмунли ва ёрқин докладини, делегатлар ва съезд меҳмонлари нутқини тинглар эканман қалбим ифтихор ҳис-туйғуларига тўлиб-тошди. Партиямизнинг доно ички ва ташқи сиёсати туфайли буюк Ватанимиз янада гуллаб-яшнаяпти, совет кишиларининг турмуш фаровонлиги ошмоқда, халқимиз тинчлик шароитида бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш имкониятига эга бўляпти.

Съезд ўнинчи беш йилликда амалга оширилган ишларга якун ясади, партия ва халқимиз олдида саксонинчи йилларда турган вазифалари белгилаб берди. Бу вазифаларнинг кўлами ва улуғворлигини таърифлашга тил ожизлик қилади. Белгилаб олинган буюк бунёдкорлик режалари халқимиз турмуш даражасини янада оширишга, мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган. Шунинг учун барча совет кишилари съезд қарорларини зўр яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, қизғин маъқуллаётирлар.

Съездлан қайтиб келган кунимоқ районимиз меҳнаткашлари вакиллари, сўнг колхозчиларимиз билан учрашдим. Уларга съездлан олган унутилмас таассуротларим, партиямиз биз, кишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйаётган вазифалар ҳақида батафсил гапириб бердим.

Ҳўжалигимиз дала ва боғлари республикамиз пойтахтига туташиб кетган. Тошкентликлар дастурхонини сабзавот, картошка, мева-чева, чорвачилик маҳсулотларига тўкин қилишга ҳисса қўшиш — деҳқон ва соҳибкорларимиз, фермаларимиз ходимларининг асосий вазифаси. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида **«Биринчи вазифа — таъминотда тақчиллик, айниқса, сезилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини етиштиришни кўпайтиришдан иборатдир. Мен бу ерда биринчи галда гўшт ва чорвачилик маҳсулотларини кўзда тутмоқдаман»** деган гапларини тинглар эканман, дарҳол ўйимга бу соҳада районимиз ва колхозимизда олиб борилаётган ишлар келди.

Кейинги йилларда районимизда чорвачиликни жадал ривожлантириш учун муҳим ишлар қилинди. Кўпгина чорвачилик комплекслари қурилди, чорва моллари бош сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди, озуқа базаси мустаҳкамланди. Шу туфайли районимиз чорвадорлари ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатидан анча илгари бажардилар.

Колхозимизда ҳам чорвачилик — асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили хўжалигимизда замонавий комплекс фойдаланишга топширилди. Бу барча ишларни тўла механизациялаш, чорвачиликни саноат негизига ўтказиш имконини берди. Давлатга гўшт ва сут сотиш планлари ошириб бажарилятпи.

КПСС XXVI съездида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича белгиланган планларни фақат бажарибгина қолмай, балки анча ошириб бажариш учун мумкин қадар қатъиятлик, мумкин қадар ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланиш зарур, деб алоҳида таъкидланди. Ишларимизни съезднинг бу талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятларимиз кўплигини яққол кўриш мумкин.

Ўтган йили хўжалигимизда сут етиштириш 52 тоннага камайиб кетди. Бунинг асосий сабаби сигирлар маҳсулдорлиги пасайтириб юборилганидадир. Фермамиз бўйича 1979 йилда 4730 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4305 килограммга тушиб қолди. Чорвадор мутахассисларимиз, молбоқар ва соғувчиларимиз буни сигирларимиз янги комплексга яхши кўникмаганлиги, оқибати, деб изоҳламоқчи бўладилар. Аслида бундай эмас. Колхозимизнинг машъал соғувчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Исоқова, Ленин ордени нишондори Қ. Файзиевалар говмушларидан соғиб олаётган сут миқдорини муттасил кўпайтириб бораётирлар. Мен ҳам ўзимга биркитилган 26 бош сигирнинг ҳар биридан 1978 йилда 4800 килограмм, 1979 йилда 5000 килограммдан сут соғиб олган бўлсам, ўтган йили бу кўрсаткични 5550 килограммга етказдим.

Ҳали анчагина соғувчиларимизнинг кўрсаткичлари илғорлар эришаётган натижалардан жуда кам эканлиги сир эмас. Шундай экан уларга ёрдам кўрсатиш, илғор иш тажрибаларини ўргатиш асосида сут етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Мен ҳозир тўрт ёш соғувчи — М. Тўраева, С. Ҳантова, У. Расулова, Р. Зиёмуҳамедоваларга мураббийлик қиляпман. Шогирдларимнинг ҳам сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олишлари учун ўз тажрибаларимни уларга қунт билан ўргатяпман.

Чорвачилик ем-хашакдан бошланади. Съездда ҳам озуқа етиштиришни кўпайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бизнинг шароитимизда ем-хашак етиштиришни кўпайтириш имкониятлари катта. Сугориладиган майдондан йилига икки марта ҳосил олиш, озуқа экинларини аралаштириб экиш мумкин. Лекин бу тажриба кенг қўлланилмаяпти. Эндиликда чорвачилик самарадорлигини ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига етиштирилаётган гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан белгилаш керак. Бу озуқа етиштириш учун ердан фойдаланишни янада яхшилашга хизмат қилган бўларди.

Съезднинг тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда социалистик мусобақани авж олдириш, унинг таъсирчанлигини ошириш катта аҳамиятга эга. Лекин, ҳали ҳам меҳнат беллашувини ташкил этишда расмиятчилик учраб турибди. Йил бошида ҳамма чорвадорлар мажбуриятлар қабул қилишади. Бироқ, улар ўваъдаларини қандай бажараётганликларини текшириб боришни унутиб қўямиз. Мусобақа илғорларини рағбатлантириш ҳам пухта ташкил этилмайди. Якунлар ўз вақтида чиқарилмайди, мукофотларни тантанали вазиятда топшириш йўлга қўйилмайди.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига чорвачилик — бугунги кунда қишлоқда зарбдор фронт, деб мурожаат қилди. Бу биз, чорвадорлар зиммасига жуда катта масъулият юклаяпти. Мен ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезд ёпилиши пайтида сўзлаган нутқида делегатлар ўз партия ташкилотларига қайтиб боргач, **съезд қарорларини амалий ишларда рўёбга чиқариш соҳасида жуда катта ишга киришишлари керак, деган кўрсатмасини дилга жо қилган ҳолда бу йил сигирларимдан 6000 килограммдан сут соғиб олиш юзасидан янги, оширилган мажбурият қабул қилдим.** Колхозимиз чорвадорлари, барча меҳнаткашлари ҳам янада самарали меҳнат қилиш, ҳамма имкониятларни ишга солиб, улкан марраларни эгаллаш учун курашяптилар.

Волида МУСАЕВА,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг соғувчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ МИНБАРИ

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ДЕҲЛИ, 9 март. (ТАСС мухбири). Бокародаги металлургия комбинатининг коллективи меҳнатда янги муваффақиятларга эришди — тўртинчи домна печи ишга туширилди.

Металлургия комбинатининг барча қурувчилари, ишчилари, совет ва ҳинд мутахассислари буни сабрсизлик билан кутдилар. Мамлакатда энг йирик бўлган Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигининг ана шу объекти шу кишиларнинг фидокорона меҳнати билан барпо этилди.

Бешинчи домнада айни вақтда қизғин монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шу домнанинг фойдаланишга топширилиши билан Бокородаги завод мамлакатга йилига тўрт миллион тонна пўлат берадиган бўлади.

Бокородаги совет мутахассисларининг раҳбари И. Д. Чаграй ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ватанимиздан олисда ишлаётган биз, совет мутахассислари учун XXVI съезд ишлаётган кунлар янги куч ва ғайрат бахш этди. Дўст Ҳиндистонда ўз бурчларини бажараётган совет металлургларининг ушбу кунлари айниқса баланд руҳда меҳнат қилдилар.

А. БОХОНЬКО.

ЯПОНИЯ. Америка ҳарбий самолётн остидаги бола кўтарган ёп опа... «Акахата» газетасида эълон қилинган мана шу сурат чуқур рамзий маънога эгадир. Япон оналари ер юзидаги барча оналар сингари ўз болаларининг тақдиридан ташвиш чекмоқдалар, ер юзида тинч, осойишта ҳаёт бўлишини истамоқдалар.

Афсуски, Вашингтоннинг тазъйиқи остида япон ҳукмрон доиралари очиқдан-очиқ мамлакатни ҳарбийлаштириш йўлини тутмоқдалар, «Ўз-ўзини мудофаа қилиш» деб аталмиш қучларнинг ҳарбий қудратини янада оширишни тезлаштирмоқдалар. Мазкур қучлар эндиликда энг замонавий қуроллароглар билан жиҳозланган бўлиб, жаҳондаги энг йирик «ўнта» армия қаторига киради. Уруш эҳтиёжларига сарфланаётган маблағлар ҳам ошиб бормоқда. АҚШ билан биргаликда хавфли ҳарбий авантюраларни амалга ошириш планлари тузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси японларни ташвишга солмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ТУНИС. Бизертдаги давлат нефтни қайта ишлаш заводини кенгайтириш тўғрисида бу ерда қарор қабул қилинди. Бунинг натижасида заводнинг қуввати қарийб тўрт баравар ошади. Ҳозирги вақтда корхона бир йилда қарийб 1,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаб бермоқда.

Корхона реконструкция қилингандан кейин Тунис бензин, дизель ёқилғиси, керосин ва мойлаш материалларга бўлган ўз талаб ва эҳтиёжини амалда тўла-тўкис таъминлайдиган бўлади.

● АДАН. Демократик Яман пойтахтида Яман революциясини ҳимоя қилиш ва беш йиллик планни бажариш соҳасида саводсизликни тугатиш ишида хотин-қизларнинг ролини оширайлик, деган шиор остида Яман хотин-қизлари умумий иттифоқининг фавқулодда съезди очилди. Съезд ишида мамлакатнинг ҳамма вилоятларидаги хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари бўлган 300 делегат қатнашмоқда.

Съезд бир қанча сиёсий, мафкуравий ва ташкилий масалаларни кўриб чиқади. Хотин-қизларнинг региондаги социал-иқтисодий ўзгартиришларда, тинчлик ва хавфсизлик учун курашда иштироки масаласи съезд делегатларининг диққат марказида туради.

● КОБУЛ. Бу ерда мамлакатда биринчи студентлар клуби очилди. Бу клуб Кобул университети ҳузурида Афғонистон демократик ёшлар ташкилотининг ташаббуси билан ташкил қилинди. Студентлар клуб секцияларида ўзларини қизиқтирадиган соҳалари бўйича билимларини кенгайтиришлари, бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари, дам олишлари мумкин.

● ТЕҲРОН. Хилма-хил «Ислом» ташкилотларининг ҳужжатлари билан Эронда яшириниб юрган афғон босмачи шайкалари ва контрабандистлар ўзларининг жиноий ишларини кенгайтирмоқдалар.

Исфаҳонда, деб хабар беради «Кейҳан» газетаси, ана шундай шайкалардан бири бошлиғи билан бирга қамоққа олинди. Полиция босмачиларни қўлга олиш вақтида кўп миқдорда героин наша, контрабанда қора дорини қайта ишлайдиган ускуналарни аниқлади.

«Эттелаат» газетасининг ёзишича, Машҳад яқинидаги Полехатун деган жойда ана шундай шайнани қамоққа олган чоғда отишмалар бўлиб ўтган. Афғон шайкаларидан қарийб 73 килограмм қора-дори, кўп миқдорда қуроллар тортиб олинган.

(ТАСС, 9 март).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

КОЛЛЕКТИВ ШАРТНОМА — КОРХОНА ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон пойтахт областининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий ҳужжатларини чуқур эътибор билан ўрганмоқдалар. Съезд қарорлари тинчлик ҳақида, совет халқининг фаровонлиги ҳақида, унинг туб манфаатлари ҳақида ғамхўрлик билан суғорилган ва совет кишиларининг умумий интилишларини ифода этади.

КПССнинг ленинча йўли ва амалий фаолиятини барча совет кишилари тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Бу партия билан халқ бузилмас бирлиги, совет халқини коммунистик қурилиш йўлидан комил ишонч билан бешлаб бораётган партияга бўлган чексиз ишончининг ёрқин ифодасидир. Меҳнаткашларнинг партия белгилаб берган режаларни амалга оширишдан чуқур манфаатдорлиги янги беш йиллик биринчи йили учун зиммасига юксак социалистик мажбуриятлар олган меҳнат коллективлари ишида мужассамлашади.

Меҳнат коллективларининг куч-ғайрати ана шу мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратилган ва бу 1981 йил учун тузилган коллектив шартномаларда — давлат планларини бажаришни таъминлаш учун коллективлар томонидан белгиланган тадбирлар комплексида ўз ифодасини топган.

Ушбу саҳифада берилаётган материалларда коллектив шартномани янги беш йиллик планларини бажаришга қаратган қатор корхоналарнинг тажрибаси ҳақида ҳикоя қилинади.

ЧИРЧИҚДАГИ «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, кенг истеъмол буюмлари, шу жумладан болалар кийимлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, уларнинг сифатини яна да яхшилаш учун ҳаракат қиляпти. 1981 йилда ўғил болалар учун 150 моделдан ортиқ янги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Суратда: фабрикининг пешқадам ишчилари Ш. Мирбобоева ва С. Мирзаева. Улар смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб бажаришмоқда.

В. Сироткин фотоси.

БРИГАДА ПУДРАТИ САМАРАСИ

М. МАЪРУПОВ,

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси директори

Меҳнатни бригада бўйича ташкил этиш анча прогрессив форма ҳисобланади. У меҳнат унумдорлигини ошириш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, ишчиларнинг малакасини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулот сифати учун коллектив масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир. Бу форма маҳсулотни кўп турда ишлаб чиқариш масалаларини тўлароқ ҳал қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот бир турини ишлаб чиқаришдан иккинчисига ўтишда иш вақтининг йўқолишини камайтириш, технологик операцияларнинг анча сифатлироқ бажарилишини таъминлаш имконини беради.

Бригадада ҳар бир ишчининг меҳнати бутун коллективга яққол кўринib туради. Киши шундай шароитларда ўз вазифасига лоқайдлик билан муносабатда бўла олмайди. Айни пайтда бригаданинг ўзи ҳам маҳорати етарли бўлмаган ишчиларга ёрдам кўрсатишдан манфаатдор бўлади. Ҳар бир аъзо ички резервларни қидириб топишга интилади.

Ҳозирги вақтда фабрикамизда аёллар пойафзали бошлигини йиғишда 186 киши бирлашган, 16 бригада ишлаб турибди. Бу бригадалар смена давомида 4345 жуфт пойафзал ишлаб чиқаришлари керак. Улар хайрихоҳлик принципи бўйича ташкил этилган. Коллективларга бригада аъзоларининг умумий йиғилишида сайланган бригадирлар бошчилик қилишади.

Аёллар пойафзали бошлиқларини йиғишда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий этиш 45 ишчи кучини тежаб қолиш, цехда меҳнат унумдорлигини 17,5 процент ошириш, иш вақтининг фойдасиз йўқолишини ва ишчи кадрлар қўнимсизлигини камайтириш имконини берди. Бунинг эвазига 22,9 минг сўмлик иқтисодий самара қўралди.

1981 йил учун тузилган коллектив шартномада социалистик мусобақани ташкил этишнинг яна бир янги формасини жорий қилиш назарда тутилган. Бунда технологик занжир бўйича бир-бирига боғланган бригадалар ўзаро шартномалар тузишади. Шартнома мажбуриятлари маҳсулотни сифатли ва комплектлаб тайёрлаш ҳамда уни бошқа бригадаларга белгиланган график асосида қатъий етказиб беришни назарда тутади.

Илғари ишбай асосида ишлайдиган пойафзалчилар ўртасида индивидуал мусобақа ким кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун борарди. Бунда шу маҳсулотни ишлаб чиқариш зарурлиги ёки зарур эмаслиги ҳисобга олинмасди. Эндиликда тамомила бошқа манзарани кўрасиз. Ўзаро боғланиб ишлайдиган бригадалар ишларини зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ва ўзаро шартномаларда белгиланган тартиб бўйича планлаштирмоқдалар.

Тўпланган тажриба меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули катта самара беришини, ўзаро боғланиб ишлайдиган бригадалар меҳнати натижаси янада баракали бўлишини кўрсатиб турибди. Шунинг учун бу йилги коллектив шартномада бригада усулини янада кенг жорий этиш ва шу асосда мусобақани янада авж олдириш назарда тутилди.

ТАШАББУСЛАРНИ ҚУВВАТЛАЙЛИК, ОММАЛАШТИРАЙЛИК

А. В. БРАИЛОВ,

Тошкент область касаба союзлари Совети раиси

ОБЛАСТИМИЗ корхоналарида 1981 йил учун коллектив шартномалар тузиш кампанияси охирига яқинлашмоқда. Корхонада бундай шартномаларнинг тузилиши катта воқеа ҳисобланади. Бу ишда кўпчилик ишчи-хизматчилар қатнашади. Лекин, ҳозирги кампания ҳар қачонгидан ҳам кенг кулоч ёйди. Бу КПСС XXVI съездига тайёрлик ва унинг тарихий қарорлари туфайлидир.

Коллективлар ва маъмуриятнинг икки томонлама мажбуриятларни белгилашда партия XXVI съезди томонидан ишлаб чиқилган қоидалар ва хулосаларни фаолиятларининг асоси қилиб олишга интилмоқдалар, ўз куч-ғайратларини беш йилликнинг асосий вазифасини ҳал қилиш учун йўналтиришга интилмоқдалар. Ўн биринчи беш йиллиннинг асосий вазифаси эса халқ хўжалигини барқарор тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборатдир.

Тузилган шартномаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, коллективлар олдида турган вазифаларнинг ҳал қилинишида шартноманинг «Социалистик мусобақани ҳамда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўлими» тобора катта роль ўйнамоқда. Бу меҳнаткашларнинг партия белгилаган социал-иқтисодий планларни бажаришга зўр манфаатдорлик билан хўжайинларча муносабатда бўлаётганликлари, давлат ишлари ҳақида қайғураётганликларини яққол намойиш этади.

Ўнинчи беш йиллик планини бажариш учун курашнинг бориши ва партия XXVI съезднга тайёргарлик вақтида тўпланган ижобий тажриба коммунистик қурилишнинг таъсирчан воситаси — социалистик мусобақанинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Ўнинчи беш йилликда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, иш сифатини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга қаратилган ва шу каби бошқа кўпгина ташаббуслар туғилди. Ростовликларнинг «Қолоқларсиз, самарали, юксак сифат билан ишлайлик» шиори остида бошлаган ташаббуси ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари «Бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш», «Сифатга ишчи кафолоти бериш билан меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш», «Шогирд мураббийга тенглашсин», «Беш кунлик топшириқ тўрт кунда» каби ташаббусларга қўшилишди.

Ҳозирги вақтда областимизда социалистик мусобақанинг турли формаларига 1 миллион 38 минг киши жалб қилинган. Улардан 632 минг ишчи-хизматчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» номини олиш учун курашмоқда, 286 минг киши эса ана шу юксак номни олишга муяссар бўлди.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалик корхоналари коллективларининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақасида «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор ва заргарлик заводлари, Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, Ўрта Чирчиқ тикувчилик фабрикаси, «Ташхлеб» бирлашмаси, Чилонзор алоқа-почта узели, «Ўзэлектромонтаж» трести, Ангрендаги резина-техника заводи ва бошқа корхоналар бир неча бор голиблик қилдилар.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалик корхоналари коллективлари коммунистларнинг улкан анжуманини муносиб кутиб олишга интилиб, «КПСС XXVI съездига 26 зарбдор ўн кунлик». «КПСС XXVI съездига 26 зарбдор ҳафта!» «Биринчи квартал топшиғини съезд очиладиган кунгача бажарамиз!» шиорлари остида зарбдор вахталар ташкил этишди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 160-қурилиш трести, Главташкентстройнинг Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати, «Ташсельмаш» заводи, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Калинин районидаги Охунбоев номли совхоз ва бошқа корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, умуман, ўнинчи беш йиллик ва 1980 йил топшириқларини муваффақиятли бажариш бўйича ўтказилган социалистик мусобақанинг голиблари бўлишди.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилган мусобақанинг кенг кулоч ёйганлиги шунга олиб келдики, 235 корхона, 2360 цех ва ферма, 6015 бригада, участка ва смена, 400 мингга яқин ишчи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажардилар.

Бундай илғорлар орасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бор. Бирлашма коллективи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақанинг оммавий тус олганлиги 5644 ишлаб чиқариш илғорига бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш имконини берди.

Партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан борган илғорлар мусобақаси давомида қатор янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Г. Павлова меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича шахсий беш йиллик нормасини уч йилда бажаришга аҳд қилди. «Таштекстильмаш» заводининг йиғувчи-асбобсози М. Кулибоев беш йилликни Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллик кунигача — 1984 йилнинг октябригача бажаришга ваъда берди. Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг пайвандчиси Р. А. Абдуқодиров 1981 йилда уч йиллик топшириғини адо этишга қарор қилди.

«МИЛЛИОН-МИЛЛИОН МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РЕЖАЛАРИГА ХЎЖАЙИНЛАРЧА МАНФААТДОРЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛАЁТГАНЛИКЛАРИ, УЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМХЎРЛИГИ СОВЕТ ТУЗУМИ ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИЗМИНИНГ ИФОДАСИДИР, БУ—ПЛАНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИНГ МУҲИМ ГАРОВИДИР.»

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Бинокорларнинг меҳнатдаги ўзаро беллашуви метрополитен биринчи линияси 2-участкасини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга ёрдам берди. В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи барвақт қуриб битказилди. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам комплекси ҳам жадал ишга туширилди.

Областимиз меҳнаткашлари социалистик мусобақа туфайли катта ютуқларга эришдилар. Бел йил ичида планлагидан ташқари 657 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди, 5 миллиард 165 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Областимиз республикада биринчи бўлиб жуда қисқа муддатларда пахтани йиғиб-теріб олиш планини бажарди. Ўтган йили давлатга 480 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди, бу пландагидан 59 минг тонна кўпдир. Ҳозирги вақтда областимизнинг 100 дан ортиқ корхонасида давлат Сифат белгиси билан 1100 дан кўпроқ маҳсулот тури ишлаб чиқариляпти.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақанинг оммавий тус олганлиги ишга солишга, социалистик мусобақада тўпланган кенг фойдаланиб, 1981 йил топшиғини муваффақиятли уддалаш ва бу билан умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтиришга азму-қарор қилганликларидан дарак беради.

Коммунистик меҳнат бригадаси раҳбари, «Ташсельмаш» заводининг йиғувчи-слесари В. Д. Глухов йиллик топшириқни СССР Конституцияси кунигача бажариш мажбуриятини олди.

Тошкент марказлашган юк ташиш автомобиль трестининг А. Т. Блохов, А. Ф. Дуб, М. Кауматов, Г. С. Гатауллинлар раҳбарлигидаги ҳайдовчилар бригадалари олган мажбуриятларда юк ташиш икки беш йиллик планини 1985 йилнинг 30 декабригача бажариш назарда тутилди.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш учун кураш бошлаган пойтахт областимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Реализация ҳажми бўйича йиллик план муддатидан илгари — 25 декабрга ча бажарилади, пландагидан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Коллектив шартномаларида мусобақани ривожлантириш, мусобақалашаётганлар учун зарур шароитларни яратиб бериш бўйича белгиланган тадбирлар меҳнаткашларимиз ғайрат-шижоатларини янада кучайтиришга, янги-янги резервларни қидириб топиб, ишга солишга, социалистик мусобақада тўпланган тажрибадан кенг фойдаланиб, 1981 йил топшиғини муваффақиятли уддалаш ва бу билан умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтиришга азму-қарор қилганликларидан дарак беради.

КПСС XXVI съезди қабул қилган қарорларига мувофиқ меҳнат коллективларини ўн биринчи беш йилликда улар олдида турган вазифаларнинг бажарилишига сафарбар этиш касаба союз ташкилотларининг шу кунлардаги асосий вазифасидир. Бу коллективимизнинг 1981 йил учун тузилган шартномасида ҳам ўз аксини топди.

Корхонамизнинг ўтган беш йилликдаги иш якунлари хўжалик раҳбарлари ва касаба союз ташкилоти коллективни топшириқларни муваффақиятли уддалашга сафарбар этиш бўйича дуруттина тажриба тўплаганлигини кўрсатди. Лекин, ишимизни таҳлил қилиш шундан далолат бермоқдаки, агар прогуллар, ишга кечикиб келишлар, сменалар орасидаги тўхтаб қолишлар, иш вақтини йўқотиш ҳоллари бўлмаганида давлатга янада кўпроқ фойда келтирган бўлардик. Шунинг учун ҳам коллектив шартномада меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзаро мажбуриятлар алоҳида ўрин олди.

Энг асосий резервимиз меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдир. Бригада пудрати усули бу вазифани муваффақиятли уддалашнинг омилидир. Транспортда уни жорий қилиш бригадаларга бирлашган шофёрларнинг коллектив ва индивидуал имкониятларидан самарали фойдаланиш учун кенг истиқболлар очиб беради. Бу усулнинг энг асосий афзалликларидан бири шундаки, ҳар бир ҳайдовчи интизомни мустаҳкамлашга интилади. Ҳайдовчининг ўз меҳнати ва умуман бригада иши натижасидан манфаатдорлиги янада ортади. Бу таксомоторлардан янада самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Чунки бригада учун берилганлиги мукофот асосан бригада ҳар бир аъзосининг иши натижаси ва меҳнат интизомига амал қилишига боғлиқ бўлади.

1981 йил учун тузилган коллектив шартномада бригада пудратини ривожлантириш бўйича мажбуриятлар ўз аксини топган. Бу йил биз 36 бригадани янги усулга ўтказишимиз керак. Ҳозирги вақтда бригадаларни комплектлаш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Бригада усулининг афзалликлари ҳақида шофёрлар ўртасида суҳбатлар ўтказяпмиз, бригадага раҳбарлик қилувчилар номзодларини ҳайдовчилар билан муҳокама қилмоқдамиз.

МУҲИМ РЕЗЕРВЛАРДАН БИРИ

З. ГУНЬКИНА,

1-автомобиль комбинати касаба союз комитетининг раиси.

Бизнинг комбинатимиз Собир Раҳимов районида жойлашган. Районимиз шаҳарда биринчи бўлиб районни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали тартиб-интизом районига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу социалистик мусобақанинг юксак формасидир. Шунинг учун касаба союз ташкилотимиз уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсада цех, участка, бригада, автоколоннага коммунистик меҳнат коллективи номини бериш ҳақидаги низом, бу ҳаракатда иштироқ этаётган коллективлар олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Шартномага мувофиқ комиссия тузилди. Бу комиссия 1981—1985 йилларда комбинатни социал ва иқтисодий ривожлантириш планини ишлаб чиқишни тугатмоқда. Бу планда ғоявий-сиёсий ва меҳнат тарбияси, прогрессив урф-одатларни жорий қилиш, коллективнинг ялпи кишини тарбиялашдаги ролини ошириш каби бўлимлар бор.

Қисқаси коллектив шартномамизда корхонамиз ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларини қамраб олган ўзаро мажбуриятлар қайд қилинган. Уларни бажариш бизга ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқаришнинг янги резервларини қидириб топиб, ишга солиш, камчиликлар билан қатъий курош олиб бориш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳамда пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

СПОРТ ҲАМ ЭЪТИБОРДА

Н. А. ШВИДКОВА,

Тошкент ГРЭСи касаба союз комитетининг раиси.

1980 ЙИЛ УЧУН корхонамизда тузилган коллектив шартномада станция ходимлари ўртасида спорт ва физкультура ишларини кенг кўламда олиб бориш назарда тутилган эди. Шу мақсадда маълум тадбирлар белгиланди. Футбол, волейбол, стол усти тенниси, шахмат бўйича ташкил этилган спорт секциялари ишининг календарь плани тузилди. Бунинг натижасида нурхонамиз спортчилар коллективи республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг II спартакиадасида фаол қатнашди. Бу спартакиадада футболчилар, волейболчилар биринчи ўринларни олишди, стол усти тенниси бўйича иккинчи ўрин эгелланди. Умумий ҳисобда эса биринчи ўринга чиқилди.

Ҳозирги вақтда бизнинг кўнгилли спорт жамиятимизда 467 киши спортнинг ҳар хил турлари билан доим шуғулланмоқда.

Ўтган йили ГТО комплекси бўйича машғулотларга 220 киши жалб қилинди. Улардан 127 киши кумуш нишон олди, 133 разрядли спортчи тайёрланди.

1980 йил коллектив шартномада бўйича касаба союз бюджетидан маданий-оммавий ва физкультура ишларини ўтказишга 2400 сўм, спорт анжомлари сотиб олишга 300 сўм сарфланди. Бундан ташқари, моддий рағбатлантириш фондидан спорт жиҳозлари харид қилиш, физкультура-оммавий ишларни олиб бориш, спорт иншоотларини ремонт қилишга 15 минг сўм маблағ ажратилди.

Бу йил учун тузилган шартномада болалар ва ўсмирлар ўртасида физкультура ва спорт ишларини янада жонлантириш назарда тутилган. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб болалар физкультура-спорт комитети тузишга қарор қилинди.

Уй командалари ўртасида микрорайон спартакиадасини ўтказиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Микрорайондаги барча 27 уй 8 та айрим зоналарга бўлинган. Бу зоналар ўзларининг йиғма командаларини тузишган. Шундай қилиб спорт билан шуғулланишга микрорайонда яшаётган барча болаларнинг учдан икки қисмидан ортиқроғи жалб қилинган. 14—17 ёшли ўсмирлар учун спортнинг ҳар хил турлари бўйича айрим мусобақалар ҳам ўтказилиб турилади.



СЕРГЕЙ Иванов Тошкент ГРЭСнинг катта машинисти. Бу моҳир ишчи зиммасидаги топшириқларни ҳамиша аъло даражада бажармоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ҚУЛАЙ ШАРОИТ—УНУМЛИ МЕҲНАТ

В. КАРИМОВ,

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери

КПСС XXVI съезди қарорларида унумли ишлаш учун қулай шароитларни яратиб бериш, меҳнатнинг ижодий характерини кучайтириш ҳам назарда тутилган. Бу вазифани амалга ошириш корхонамиз маъмуриятқ, партия ва касаба союз ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. У бирлашмани ривожлантириш беш йиллик комплекс плани ва коллектив шартномада ҳам инобатга олинган.

Беш йиллик комплекс планида оғир, сермеҳнат ишларни механизациялаш, янги техникани жорий қилиш, меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланган. Шундай тадбирлар ўнинчи беш йилликда ҳам амалга оширилган эди. Коллектив шартномага киритилган йиллик тадбирлар тўла рўёбга чиқарилди. Масалан, техника билан қайта жиҳозлаш планига мувофиқ 1300 дан ортиқ янгиликлар жорий қилинди, меҳнат шароитлари ва уни муҳофаза қилишнинг аҳволи, сермеҳнат жараёнларни механизациялашни яхшилаш бўйича кўрик-конкурслар ва бошқа шу каби тадбирлар кўрилди. Бу бирлашманинг кўпгина ходимларини техник ижодкорликка жалб қилиш ва ишчиларнинг меҳнат шароитларини анча енгиллаштиришга олиб келди.

Тўрларни ёйиш ва қирқиш жараёнини механизациялаш, сермеҳнат қўлда бажариладиган операцияни бартараф этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди. Бунинг натижасида 192 ишчи кучи тежаб қолинди. Уни жорий қилишдан кўрилган иқтисодий самара миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Ишқор суюқлиги тайёрлашни механизациялаш, гидрол қуйишни механизациялаш бўяш цехида ишни анча енгиллаштирди, унинг хавфсизлигини таъминлади.

Бош корхона территориясида хўжалик усули билан умумий майдони 1800 квадрат метрли тўртта омбор бинои қурилди. Бу ишлаб чиқариш биноларини хомашё уюмларидан ҳалос этди. Натижада иш маданияти ошди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар туфайли касб касалликлари камайди, ишлаб чиқариш травматизми деярли бартараф этилди.

Цехларда ҳарорат-намлик режимини яхшилаш учун мавжуд вентиляция қурилмалари такомиллаштирилди. Бирлашмада 12 та конденционер ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири ҳар соатда 40 кубометрдан 12 минг кубометргача ҳаво етказиб бериш қувватига эга.

Ўтган беш йилликда корхонанинг 750 дан ортиқ ходимининг иш шароити яхшиланди ёки енгиллашди. Ҳозирги вақтда 76 процент ишчи-хизматчимиз механизациялашган меҳнат билан банд.

Коллектив шартномаларда трикотажчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини ҳамда дам олишини яхшилаш йўлида ҳар йили белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилишига олиб келди. Беш йил давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши топшириқдаги 49,2 процент ўрнига 50,8 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 19,8 ўрнига 21,6 процент ортди. Тайёрланаётган буюмлар сифати яхшиланди.

Бирлашмамиз коллективи Ўзбекистондаги трикотаж корхоналари ичида биринчилардан бўлиб сифатни бошқариш комплекс системасини жорий қилди, Бригадалар тайёрлаётган буюмларнинг сифатини ҳисобга олишни электрон-ҳисоблаш техникаси зиммасига юклади. Шу туфайли сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот миқдори 1975 йилдаги ялпи маҳсулотнинг 3,4 процентидан ўрнига 1980 йилда 17 процентгача етди. Ўн биринчи беш йилликда эса учи 30 процентга етказишга қарор қилинди.

Ўнинчи беш йилликда маҳсулот турларининг 50 проценти янгиланди. Трикотаж буюмларини коттон машиналари участкасида ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳаммаси бўлиб 500 га яқин янги буюм моделлари, шу жумладан Давлат сифат белгисига сазовор бўлган 110 модель, «янгилик» индекси билан 40 модель. Олимпиада рамзи туширилган 7 модель жорий қилинди. Бу ва бошқа шундай муваффақиятларимизда коллектив шартномаларда белгиланган ўзаро мажбуриятларнинг бажарилиши катта роль ўйнади.

Ўн биринчи беш йилликда коллектив олдида катта вазифалар турибди. Биз бош фабрикани реконструкция қилишни тугатишимиз, 11 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштиришимиз, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича фан-техника тараққиётига тааллуқли масалаларни ҳал қилишимиз керак. Коллектив шартномаларда белгиланган барча тадбирларнинг беками-кўст амалга оширилиши ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига самарали ёрдам беради.

Ушбу саҳифа материалларини область касаба союзлари совети инструктори Ғ. ТЎХТАЕВ, «Ташкентская правда» газетасининг бўлим мудири В. ЛОМОВЦЕВ, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири М. МИРҲАМИДОВлар тайёрлаган.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

▲ Энергетика, ўрмончи, кимёгарлар, металлурглар шаҳри, йирик территориал ишлаб чиқариш комплексининг маркази — Братск яқинида ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлади. Шаҳар кундан-кунга ўсиб ривожланиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 250 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Суратда: Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли Ленин орденли Братск ГЭСи.

▲ Мамлакат ҳаво йўлларида аэробус ИЛ-86 мунтазам парвоз қила бошлади. Бир йўла 350 пассажирни кўз очиб юмгунча манзилга етказиб қўя оладиган бу ноёб самолёт Тошкент—Москва — Тошкент рейсида ҳам қатнамоқда. Суратда: ИЛ-86 аэробуси парвозда.

▲ Байкал Амур магистрали қурилиши давом этмоқда. Асримизнинг энг катта объекти бўлган БАМда ҳаёт қайнаяпти. Суратда: ишга туширилган «Тинда—Чильчи» участкасида темир йўл учун релслар ташилмоқда.

ТАСС фотохроникалари.

СУРАТИ — ҲУРМАТ ТАХТАДА

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

▲ КАТТА ёки кичиклигидан қатъий назар ҳар бир касбнинг ҳам ўзига яраша қувонч ва ташвишлари бор. Мана, Баҳодир Ҳидоятов 7 йилдирки, Ишчилар шаҳарчасига жойлашган 237-киоскада матбуот тарқатувчи бўлиб ишлаб келади. У билан суҳбатлашсангиз, унинг киоскага нега ишга келиб қолгани сабабини дарров билиб оласиз.

— Гап кишининг қаерда ишлашида эмас. У, аввало ўз касбига, бажараётган кундалик ишига ихлос қўймоғи керак, — дейди Б. Хидоятов. — Мен, айниқса матбуотни, қолаверса одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотни жуда севаман. Олам воқеаларига ихлосманд, янгиликларга ўч шундай ажойиб газетхонларимиз борки, уларни кунда кўрмасанг, улар билан ҳар хусусда бир оғиз сўзлашмасанг соғиниб қоласан, киши.

Дарҳақиқат, киши ўз касбини севса, сўзсиз ишда муваффақият қозонади, элда ҳурмат-эътибор топади. Б. Хидоятов ҳам ўз зиммасидаги план топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб келмоқда. У тартиб ва тозаликни жуда севади. Газета ва журналларнинг янги сонларини ўқувчиларга кўркарли ерларга осиб қўяди.

Илғор матбуот конкурсининг меҳнатлари муносиб тақдирланиб келмоқда. Медаль ва бир неча нишонлар билан тақдирланди. Баҳодир Ҳидоятовнинг портрети шаҳар «Союзпечать» бошқармаси ҳамда Чиланзор районининг «Ҳурмат тахтаси»дан муносиб ўрин олган.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
жамоатчи мухбир.

БОШ ҲИСОБЧИ

БИР қарашда бухгалтерларнинг иши кишига зерикарлидек туюлади. Рақамлар, ведомостлар, ҳисоботлар... Лекин бу шарафли касб эгаларининг меҳнати билан яқиндан танишсангиз, уларнинг иш фаолияти нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлигини ҳис этасиз. Хўжаликда молиявий интизомнинг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан ҳисобчиларнинг фидокорона меҳнатига боғлиқ.

Қирқ йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишлаб келаётган Т. Туймабековни совхозда ҳамма ҳурмат қилади. У кўплаб шогирдлар етиштирган. Тўланбой ака ходимлардан ҳам доим малака ошириб туришни талаб қилади. Ўзи бевосита бўлим ва бригадаларда бўлиб, молиявий ишнинг аҳволи билан танишиб боради. Ўз тажрибаларини ўртоқлашади. Ана шу туфайли жойларда молиявий интизом анча мустаҳкамланди.

Калинин районидаги «Қорасув» совхози ҳар йили қишлоқ хўжалигидан мўл даромад олиб келмоқда. Ишчиларнинг меҳнати муносиб тақдирланяпти ва баҳоланяпти. Бу борада бош бухгалтер Тўланбой ака Туймабековнинг муносиб ҳиссаси бор.

Е. МОРДУХАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган юрист, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

* * *

Шунингдек, редакциямизга Тошкент районидан Т. Дўсонов ва И. Тожибоев, Калинин районидан И. Саримсоқовлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 12 мартда чиқади).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ИЛМИЙ СЕССИЯ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг серқирра ижоди ва жўшқин ҳаётини янада чуқурроқ ўрганиш, оташин шоир ҳақида ҳар қанча ёзилса шунча оздек туюлади. Ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бирининг туғилган кунига 92 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида Ҳамза қўлёзмаларини ўрганиш масалаларига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди. Сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори А. Қаюмов қисқача кириш сўзи билан очиб, улуғ шоир қўлёзмаларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш масалалари ва институт ходимлари зиммасида турган вазифалар тўғрисида сўзлади.

Илмий сессия қатнашчилари филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмовнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди жаҳон миқёсида», филология фанлари доктори, профессор Э. Шодиевнинг «Тожикистонда Ҳамза меросининг ўрганилишига доир», филология фанлари кандидати С. Ҳасановнинг «Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг бир сиёсий мақоласи ҳақида» мавзуларида докладларини тингладилар.

Сессияда Ҳамза қўлёзмаларини ўрганишга бағишланган муҳим вазифалар кўриб чиқилди.

А. НОСИРОВА.



ШИНГИЛ САТРЛАРДА

ҒОЛИБ МАОРИФЧИЛАР

▲ БЕКОБОД. Район халқ маорифи бўлими ўтган йил якунларига кўра педагогик коллективларда таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйганлиги учун Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиби бўлди. Ғолиб маорифчиларга СССР Маориф министрлиги коллегияси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретариати, маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети президиуми қарори билан кўчма Қизил байроқ, диплом ва пул мукофотлари берилди.

А. АКБАРОВ.

ТОҒ ВА ОТАРЛАР ОРАЛАБ

▲ ОҲАНГАРОН. Йўлдош Бозоралиевнинг иши енгил эмас. У ҳар куни «Оҳангарон» совхозининг Қурама тоғлари орасига жойлашган уч қишлоқ аҳолисига ва 14 отар чўпон-чўлиқларига хизмат кўрсатади. Тажрибали почтальон ўзига бириктирилган участкадаги 257 хонадонга 1425 нусха газета ва журналларни етказиб беради. Тоғликлар Й. Бозоралиевнинг беминнат меҳнатидан мамнунлар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

КИЧКИНТОЙЛАР РАҲМАТ ДЕДИ

▲ ОҚҚЎРҒОН. Тайёрлов группасининг ўқувчилари тартиб билан ошхонага кириб келишди. Уларни бош ошпаз Роза Бамшина очиқ чеҳра билан қарши олди. Хуштаъм таомлар билан кичкинтойларни сийлади. Р. Бамшина ўн олти йилдан бери Ломоносов номли 11-мактабда ҳалол меҳнат қилиб келаётир. У ўз фаолиятида кўп марта кичкинтойларнинг ва ота-оналарнинг миннатдорчилигига сазовор бўлган.

У. АСҚАРОВА.

«ЗАНГОРИ КЕМА» МОДЕЛИ

Тошкентдаги 14-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти талабалари янги типдаги пахта териш машинасининг оригинал моделини ясашга муваффақ бўлдилар.

Билим юрти дирекцияси ёшларнинг бу ижодий ишини юқори баҳолади ҳамда ундан кўргазмали қурол сифатида фойдаланишга қарор қилди. «Зангори кема» модели билим юртининг илғор тажриба бурчагидан ўрин олди.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

бoққолчилик—кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари.

Ўқиш муддати—1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача), 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: бош универмаг—ГУМ; «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА КЕЧКИ ЎРТА МАКТАБНИНГ 9, 10 ВА 11-СИНФЛАРИ ИШЛАЙДИ. Ўқиш кундузги соатларда ўтказилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

Тошкент область аҳолиси, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот жамиятлари союзининг район тайёрлов конторasи ҳамда Тошкент область тайёрлаш-сотиш базаси

чекланмаган миқдорда

жун, тери, мўйна ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотларини

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бу маҳсулотлар учун прейскурант бўйича ҳақ тўланади

Ҳаваскор — қуёнбоқарлар билан эса мўйна хом ашёларини қабул қилиш юзасидан шартномалар тузилади.

Хом ашёларни топширувчи гражданлар билан шартнома тузилади ва уларга концентрациялаштирилган озуқа, металл, тўр сетка ва бошқа товарларни олишда ёрдам берилади.

«ИЛИК УЗИЛДИ»НИНГ ДАВОСИ

ЯЛПИЗ

Ялпиз шифобахш ўсимлик. У лабгуллилар оиласига киради. Кўп йиллик, тик бўйлик бу ўсимлик март ойининг бошидаёқ барг ёзади. Хуш бўй таратади. Шифобахш кўкат таркибида киши организми учун керакли моддалар жуда кўп. Эфир мойи, турли витаминлар, органик кислоталар, минерал тузлар, микроэлемент ва танидлар ана шулар жумласидандир.

Ялпиз хушхўр. Уни кўпчилик севиб истеъмол қилади. Ялпиздан тайёрланган сомса, чучвара, шўрва ҳамиша тансиқ емиш ҳисобланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, кўкат таркибидаги моддалар киши қон томири фаолиятини яхшилайди, овқатни тез ҳазм қилади. Шунингдек, у халқ табобатида меъда, ичак, томир касалликларини даволашда ҳам қўлланилади.

●

ҚОҚИ ЎТ

Баҳорда биринчи очиладиган гул? Бойчечак! Ундан сўнгчи? Қоқи ўт! Шундайлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Навбаҳордаёқ анҳор ва ариқ бўйларида, майсазорларда сап-сариқ очиладиган қоқи ўтлар кишига қанчалик завқ бағишлашини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Қоқи ўтнинг асл хусусияти — шифобахшлигидадир. Шифобахш гиёҳнинг танаси ва барглари суюқ овқатга тўғраб тановвул қилинади. Унинг таркибида ҳам ялпизники сингари бир қатор фойдали моддалар бор. Шубҳасиз, бу моддалар киши организми фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

Кўп йиллик, паст бўйлик бу ўт мураккабгуллилар оиласига мансубдир.

●

БАРГИЗУБ

Бу ўтнинг ҳам шифобахш хислатлари беҳисоб. Халқ табобатида қадим-қадимдан бери кенг қўлланилаётган баргизуб таркибида ҳам турли касалликларнинг олдини олувчи моддалар бор. Жумладан, бу шифобахш гиёҳлардан ошқозон-ичак хасталикларини даволашда фойдаланилган.

Баргизубдан турли яра-чақаларни даволаш учун малҳам тайёрланади. Оғиз, томоқ, милк касалликларида эса оғиз бўшлиғи унинг шарбати билан чайилади.

Ўлкамизда кенг тарқалган бу гиёҳлар табиий ҳолатда бошқа ўтлар билан бирга ўсади.

Албатта бу шифобахш ўтлардан билиб-билмай, бошқаларидан ажрата олмай фойдаланишни тавсия этмаймиз.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос.

ТАҚРИЗ

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Шеъриятимизнинг бугунги ривожини ёшлар ижодисиз, хусусан кенжа авлодга мансуб шоирларнинг изланишларини эътиборга олмаган ҳолда тўлиқ тасаввур этиш амри маҳол. Негаки, етмишинчи йилларнинг бошларида дастлабки машқлари билан шеърият мухлисларининг эътиборига тушган ёш шоирлар саксонинчи йилларнинг остонасига келиб битта, иккита ва ҳатто учта китоб чоп эттирдилар, ўзларининг самарали изланишлари билан шеърият мухлисларинигина эмас, балки танқидчи ва адабиётшуносларнинг ҳам назарига тушдилар.

Шу нуқтаи назардан ўзидаги ижод ва илмга бўлган иқтидорини муштарак ҳолда ривожлантириб бораётган шоир Тилак Жўранинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида янги нашр этилган «Олам остонаси» номли шеърий мажмуаси бизда бу ижодкорнинг изланишларига муносабат билдиришга ундади.

Тилак Жўра илк шеърий мажмуаси «Райҳон» (1978) билан ўз мухлисларини топганди. Шоир шундан кейин ҳам газета ва журналларда қатор шеърлар эълон қилди, шеъриятнинг сирларини изчиллик билан ўргана борди, ўз ижодининг такомилини ахтарди. Бу изланишларнинг самараси сифатида «Олам остонаси» (1980) тўплами майдонга келди.

«Олам остонаси»ни ўқиганда илк бор кўнгилга ўрнашадиган нарса — шоирдаги самимият туйғуси. Чунки муаллифнинг воқеликка, одамларга бўлган муносабати ниҳоятда табиий.

Мана, шоирнинг «Пишиқчилик» номли шеъридан бир парча:

Бахтдан кўзлари қамашган каби
Ипак кўрпаларни някка тортиб
Кўзларини хиёл юмиб
Ётибди эркак ва аёл,
Бахтдан кўзлари қамашган каби.

Бунда ҳали шоирнинг поэтик фикри йўқ. Фақат тасвир. Шоир шундан кейин китобхон хаёлини кенгроқ манзараларга тортади. Ташқарида:

Тонгнинг элчилари қушлар
Тинмайин чуғурлар:
У шохдан бу шохга қўниб,
Тонгнинг элчилари қушлар
Тинмай чуғурлар:
Жавдари хирмон шаънига
Тип-тиниқ осмон шаънига
Хиёл кўзларини юмиб
ётган,
Шу икки инсон шаънига
Қушлар тинмай чуғурлар...

Муаллиф чизаётган бу латиф манзара кўз олдимизда намоён бўлади. Шоир шу тариқа ухлаб ётган болалар тасвирини беради. Хаёлимизда деҳқон ҳовлисининг бутун бир борлиғи гавдаланади.

Шоирнинг маҳорати шу оддий тасвирдан муҳим бир поэтик маъно кашф этишида яққол кўринади. Асарнинг қаҳрамонлари олти миллиондан зиёд «оқ олтин» хирмонини уйган бобо-деҳқонларимизнинг тимсоли десак ҳато қилмаймиз. Бу шеър ҳаётимизни фаровон этаётган пахтакорларимиз шаънига, шундай бахтли турмушимизни яратишга имкон бераётган давримиз шаънига мадҳиядир.

Шунингдек, тўпламдаги «Юрак минбаридан сўзланган нутқ», «Осмон ранги», «С. Есенинга», «Шеърият», «Чайқалиб ётибди нурли бир чаман» деб бошланувчи асарларни «Пишиқчилик»ка ўхшаб пухта ёзилган шеърлар дейиш мумкин. Бироқ, бу шеърларда муаллифнинг риторикага мойиллиги ҳам сезилади.

Т. Жўранинг «Пишиқчилик» ва «Япроқлар кўп шитирлаб» мисраси билан бошланадиган шеърларини қиёслайдиган бўлсак, бу иккала асарнинг муаллифи бир киши эканлиги сезилса-да, шоирнинг шахсияти «Япроқлар шитирлаб»да кўпроқ акс этган. Шеърда фикр уйғунлигидан ташқари ҳис-туйғулар бирлиги ҳам мавжуд, улар ички мусиқий оҳангдорликка эга.

Шоирнинг замон нафасини ўзида мужассамлаштирган фақат ўзига хос муҳри бўлади. Бу муҳр ижодкорнинг ҳаётга бўлган эстетик принципларидан келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан бугунги ёшлар ижодига назар ташланса баъзи қаламкашлар фикрни тасвирда ифодалаш шундай бўлади қабилида одамнинг ақли бовар қилмайдиган ташбеҳлар ва иборалар қўллайдиларки, ўқиб ҳайрон бўласиз. Баъзи бирлари эса фикрни шундай «яланғоч» тарзда ифодалайдиларки, қаламкашга ачинасиз. Чинакам шоир эса ўз асарида қўллаган ташбеҳларини ҳеч қачон ўйлаб топмайди. Чунки ҳақиқий истеъдод учун ташбеҳларни ахтаришнинг ҳожати йўқ. Фикр етилса, мақсад аниқ бўлса ташбеҳларнинг ўзи шоирни «излаб» топади ва натижада бундай шеърлар табиий ва мазмундор чиқади.

Ҳаммамиз учун севимли А. Орипов, Э. Воҳидов яратган энг яхши асарлар ана шундай ижод маҳсулидир. Биз Тилак Жўранинг шеърларини ўқиганда ҳам шу хилдаги самимиятни сезамиз. Бироқ Т. Жўра ҳали ижтимоий сермазмун, бадиий салмоқдор асарлар яратиш йўлида тинмай изланиши лозимки, унинг асарларидаги самимият ана шундагина шеърият бўстонида из қолдириб, Усмон Носир таъбири билан айтганда: ўзига хос муаттар ҳид уфуриб турган ажиб бир боғ яратади.

«Олам остонаси»даги шеърлар бизда шоирнинг ижодига нисбатан ана шундай ёруғ умид туғдиради. Тилак Жўранинг бу машаққатли йўлда ўз эътиқодига содиқ қолиб камолот сари дадил боришига тилакдошмиз.

А. МАТЕҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

«Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти спортчилари катта мусобақаларда қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Суратда: пойтахт области ёш полвонлари гиламда. [ЎзТАГ].
Ф. Қурбонбоев фотоси.

ДАМ ОЛИШ КУНИ—СПОРТГА

АНИҚ МЎЛЖАЛГА ОЛИБ

▲ ЯНГИЙЎЛ. Мактабгача тарбия педагогика билим юрти тирида район мерганларининг халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган мусобақаси бўлиб ўтди. 10-мактаб қизлари ўз маҳоратларини кўрсатиб, район чемпиони бўлдилар.

Мерганлар бахсида 15-мактаб ўқувчилари иккинчи, 28-мактаб ўқувчилари учинчи ўринларни эгаллашди.

М. БОБОЕВ.

ФАҚАТ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШИШДИ

▲ ОҚҚЎРҒОН. Район комсомол комитети ва «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли жамияти халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган спартакиада ўтказди. Унда райондаги барча колхозлар ва совхозлардан, муассаса ва ташкилотлардан вакиллар қатнашиб, спортнинг енгил атлетика, шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Қизлар баҳси ғоят қизиқарли ўтди. Ғолиблар спартакиада ташкилотчилари таъсис этган кўчма кубок, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Қ. КАРИМОВ.

ЗАЛ ГАВЖУМ БЎЛДИ

▲ КЕЛЕС. Тошкент районида мунтазам фаолият кўрсатаётган велоспорт, эркин ва классик кураш ҳамда самбо кураши секцияларида 200 нафардан ортиқ ёшлар ўз маҳоратларини тинимсиз ошириб боришяпти.

Ўтган якшанба куни ҳам полвонлар навбатдаги машғулотга йиғилишди.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

АФСУС...

▲ ЧИНОЗ. А. С. Пушкин номли 1-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам спортни жон-дилдан севишади. Улар ҳам дам олиш кунларини спорт майдонларида ёки ёпиқ залларда ўтказишни жуда-жуда хоҳлашади. Афсуски, ҳоҳиш билан иш битмас экан.

1975 йилнинг сентябрь ойида «Ташоблколхозстрой» трестининг 21-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари мактабнинг бинойидек эзги спорт майдони ўрнида кенг қўламда қурилиш ишларини бошлаб юбордилар. Бу ерда қишки спорт зали бунёд этилишини эшитган болалар роса қувонишди. Лекин, уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Бир йил ўтар-ўтмас қурилиш ишлари таққа тўхтади.

Олти йил аввал бошланган мазкур қурилиш ишлари ҳанузгача ўз ҳолича ташлаб қўйилган. Ўқувчилар бошқа мактабларда физкультура дарси кўнгилдагидек ўтказилаётганлигини эшитиб, ўзларича «афсус» деб қўйишади.

А. ПЎЛАТОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.35 — Кетсанг кетавер. Бадиий фильм. 12.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15— Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Спортчилар класси. 16.55 — Ёшлар адреслари. 17.55 —Фан оламида. 18.25 — Концерт. 18.50 — Муаммолар, изланишлар, ечимлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Г. Караева куйлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Тенгдош. 19.10— Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Лирик концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рояль олдидаги суҳбатлар. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 22.25 — Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари олдидан Л. Зорин. Варшава таронаси. Телеспектакль. 1-қисм.

II

18.40 —Болалар учун фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Кристалл» (Саратов). 21.15 — Назарий математика.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар—334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01849. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1558. 1.